# ХХ АСР ОВОЗИ

## АДАБИЁТ ВА САНЪАТ САҲИФАСИ


# ТОШКЕНТ РУҲИ АБАДИЙ ЯШАР...

Ижод аҳли жамиятнинг илғор вакиллари сифатида ҳамиша кураш ва яратишнинг олдинги сафларида борадилар. Айниқса, бизнинг давримизда уларнинг ер юзида тинчликни сақлаб қолиш, халқларнинг эрк ва озодлик учун курашини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти ниҳоятда қимматлидир. Бу фикрлар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андроповнинг Осиё ва Африка ёзувчиларининг VII конференцияси қатнашчиларига йўллаган табригида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Икки қитъа адиблари анжумани муваффақиятли якунланди. Унда чорак аср давомида босиб ўтилган йўлга ўзига хос якун ясалди, бош вазифалар белгилаб олинди. Осиё ва Африкадан келган конференция қатнашчилари, Европа ва Америка қитъасидан келган меҳмонлар ижодкорнинг бугунги жамиятда тутган ўрни, тинчлик ва адолат учун курашишдек муқаддас бурчи хусусида фикр алмашдилар, республикамиз меҳнаткашлари билан учрашувларда бўлдилар. Улар ўз юртларига ана шу анжуман ва меҳмондўст ўзбек тупроғи ҳақида бир олам таассуротлар билан қайтмоқдалар.

Анжуман ниҳоясига етди. Аммо дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва тараққиёт руҳи бўлган «Тошкент руҳи» эса абадий яшайверади!



Файз Аҳмад ФАЙЗ,
Покистон.

## ДИЛ, КУЛМОҚ ИСТАСАНГ...

Юрак ҳориб қолса қачондир,
Бир қора кун рўй берса агар,
Барча шубҳа, барча ғуссалар,
Кечмиш — бари бир чоҳга чўкар:

Не ҳам дердим шунда, лаҳзалар?
Аҳир мамот муддатида бир —
Умид, орзу бўлгай бари бир!..
Неча марта тонготар пайтни

Кутдим ахир зору ташна, лол!
Неча марта кўрдим даҳшатни!
Неча марта рўй берди бу ҳол!
Видолашдим неча бор кун-ла!

Қайтиб келди кундуз неча бор!
Ва неча бор юрак бутунлай
Парчаланиб, бут бўлди такрор!

Изтироб ҳам, бахтиёрлик ҳам —
Бари ўтди, қолди орқада.
Не ҳам дердим, қачондир, бир дам
Юрак ҳориб, ўртаса қадар?..

Чекил, ҳадик!
Чекил, эй гумон
Қўрқув қалбга сола олмас из,
Не бўлса-да, бош бўлсин омон,
Нима бўлса, бир кун кўрармиз!
Дил,
кулмоқни истасанг — кулгин,
Истасанг гар — ғарқ бўл кўзёшга!
Фақат ўзинг имоним бўлгин —
Кўражакмиз не тушса бошга!

Тоҳир ҚАҲҲОР таржимаси.



Қайсин ҚУЛИЕВ,
Кабарда — Болқар халқ шоири, СССР Давлат мукофоти лауреати.

## БИР СУЛУВГА

Кўклам гўзал қилган йўллардан
Сен юрасан, ҳайрат қучоқлаб.
Куйлагим келади баланд пардада,
Йилнинг келин фаслин бу чоғлар.
Бисот деб қуёшнинг ўткир нафасин —
Керилган саратон боғлари аро
Юрсанг, саратонга келиб ҳавасим,
Шеър битгум: «бу фасл ҳаммадан аъло».
Қадамларинг маъсум, хаёлчан кузнинг
Сўқмоқларин бир-бир ўпиб ўтган пайт.
Сиғингим келади фасл ҳуснига
Сарғиш барглар ҳақда ёзиб гўзал байт.
Қор йўлдан борасан, аёз нафаси
Келар бўронлардан беради дарак.
Кузатганча дейман: «Йилнинг ҳаммаси
Гўзал, лекин қишча бўлмаса керак».
Заминнинг қай бурчи, қайси фаслида,
Яшасанг, бахт билан сийласа тақдир.
Бўлмаса ҳамки улар оддий аслида —
Аммо менинг учун беҳад гўзалдир.



Ассефа Габре МАРЬЯМ — 1978 йилдан буён Эфиопия Ёзувчилар союзининг Бош секретари. Совет Иттифоқида кўп бор меҳмон бўлган. У Эфиопия Давлат гимни авторидир.

Ассефа Габре МАРЬЯМ.

## УМИД

Умид борки, уриб турар қалбимиз,
Тўхтамаймиз, эътиқодни элтиш-чун
келажакка
Лаҳзаларнинг завқ, қайғусин қилиб ҳис.
Умр йўлига сўнгигача инсон бўлиб
ўтмакка—
Умид ёрдам берар ахир.
Ҳамроҳ бўлиб юракка.

Замира РЎЗИЕВА таржималари.



«Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги». Осиё ва Африка ёзувчилари VII конференцияси буни яна бир бор яққол намойиш этди.
СУРАТДА: конференция қатнашчиларидан бир группаси Чимён бағрида. С. Маҳкамов фотоси.

## ҚУТЛУҒ МАСКАН



Алим КЕШОКОВ,
РСФСР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари.

Ҳар сафар серқуёш Ўзбекистонга келганимда бу ердан бир олам қувонч ва илҳом оламан. Навбатдаги сафарим ҳам менинг ҳаётимда ўчмас из қолдирди. Икки буюк қитъа қалам аҳлларининг даврасида қалбимизни жўш урдираётган фикрлар ҳақида мириқиб гаплашдик.

Тошкент анжуманида мен ва барча дўстларим партиямиз ва Совет давлатининг раҳбари Юрий Владимирович Андроповнинг табрикномасини баланд руҳ билан кутиб олдик. Мана шу табрикноманинг ўзида икки қитъа адибларининг тинчлик иши, халқлар озодлиги иши, социал тараққиёт учун нурафшон йўллар белгилаб берилди. Ю. В. Андроповнинг табрикномаси хусусида турли мамлакатлардан келган жуда кўп қаламкаш дўстларимнинг мамнунлик ва оташин сўзларини эшитиш шарафига муяссар бўлдим.

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмасининг роса чорак асрдан кейин яна муаззам Тошкент шаҳрида учрашуви ҳаммамизнинг бажаришимиз лозим бўлган вазифаларни очиқ-ойдин белгилаб берди, деб айтиш мумкин. Чиндан ҳам икки дунёнинг ўртасида қизғин баҳс бораётган мана шу мушкул кунларда биз адиблар ҳеч қачон оддий томошабин бўлиб четда қараб туролмаймиз. Биз ўзимизнинг қалбимиз қўри билан, қудратли қаламимиз билан, хулқ баркамол ва самарали ижодимиз билан жаҳонда тинчлик ишининг ғалаба қилишига, қуролланиш пойгасини батамом ва буткул сўндиришга, барча қитъалардаги эзилган ва топталган халқлар ва элатларнинг эртанги порлоқ истиқболи учун мардонавор курашишга ҳисса қўшишимиз керак. Бу кураш қутлуғ ва муборакдир. Серқуёш Ўзбекистонда туғилган Тошкент руҳи тантана қилаётганлигидан, бу диёр қутлуғ масканга айланаётганлигидан ҳар қандай ижод аҳли бир олам илҳом ва қудрат олади.

**Прогрессив турк ёзувчиси Яшар Камол Туркиянинг оддий кишилари, энг аввало, деҳқонларнинг оғир ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи асарлари билан жаҳонда шуҳрат қозонди. Ёзувчи ёшлигида пахта ва шоли плантацияларида ёлланиб ишлади, бундай меҳнатнинг бутун азоб-уқубатларини ўз бошидан кечирди. Камолнинг китоблари совет ўқувчиларига яхши таниш, улар мамлакатимизда кўп бор чоп этилган.**

## МЕҲНАТ КИШИЛАРИГА ҚАРАТИЛГАН СЎЗЛАР

Яшар Камол асарлари Ватани чегараларидан жуда узоқларда ҳам китобхонлар қалбида кенг акс-садо топган биринчи замонавий турк ёзувчисидир. Мана кўп йилдирки, уни адабиёт соҳасида Нобель мукофотига номзод деб ҳисоблайдилар.

— Агар ёзувчи бўлмаганимда, — деб эътироф этади Камол,— мен албатта ботаник бўлардим. Бутун йил бўйи тоғларда қандайдир ўсимликни излаш, табиат оғушида яшашдан қизиқроқ ва жозибалироқ машғулот бўлмаса керак.

Ёзувчи ўзининг жонажон ўлкаси— ҳосилдор Чуқуров водийсини ўзининг беш панжасидек билади. Бу водий Туркиянинг жануби — шарқида Тавр тоғларидан Ўрта ер денгизи қирғоқларигача ястанган. Камолнинг кўпгина китоблари воқеалари худди шу ерда, Чуқуровда бўлиб ўтади. Унинг энг машҳур қиссаси «Менинг лочиним Мамад» ҳам шулар жумласидандир. Қароқчилар ҳақидаги бу афсонавий воқеа асосида Югославияда Питер Устинов фильм суратга олди.

Табиат мавзуси Камол қалбига жуда яқин. Шунинг учун ҳам асарларининг кўпгина энг яхши саҳифалари табиатга бағишланган.

— Дунёда ҳамма нарса такрорланмасдир, —дейди у.— Иккита бир хил дарахт, иккита бир хил гул, иккита бир хил қуш йўқ. Ёзувчилар инсон қалбидаги зиддиятларни тадқиқ этишга интиладилар. Аммо ҳали ҳеч ким табиат ичида қандай драматик тўқнашувлар бўлишини аниқлашга уриниб кўргани йўқ. Албатта ёзувчи биолог бўлиши шарт эмас, аммо у табиатнинг нафас олишини сезиб туриши керак.

Яшар Камол 1922 йилда Чуқуровда туғилган. Унинг ҳаёти гўдаклик йилларидаёноқ драматик воқеаларга бой бўлиб, бир неча адабий асарга бемалол мавзу бўлади. Камолнинг отасини унинг кўз ўнгида ваҳшийларча ўлдирадилар. 8-синфдан кейин у мактабни ташлаб кетишга, ўз меҳнати билан кун кўришга мажбур бўлади. У шогирд бўлади, этикдўзлик қилади, сартарошлик касбини эгаллайди. Ёшлигида Камол 30 та яқин касбда ўз кучини синаб кўради.

У бир пайтлар шолизорларда қўриқчилик қилганлигини эслаб, ҳафтасига Анаверсидан Тавр тоғидаги Саврун дарёси бошланишигача 50—60 километр йўл босиб ўтишга тўғри келганлигини айтади. Худди ўша пайтда, узоқ йўл юришлар давомида Камол ёзувчи бўлишга қатъий аҳд қилиб, ўзининг бўлажак китоблари сюжетини ўйлай бошлади.

Ҳозир у 61 га кирган бўлса ҳам ҳамон пиёда юришни жуда ёқтиради ва соатлаб пиёда сайр этади.

— Мен ўз китобларимни ҳам ана шу юриш давомида ёзаман,— деб тан олади Яшар Камол.

Халқ поэзияси, қўшиқлари ёзувчи ҳаётига сайёр бахшилар «ошуқлар»нинг оҳанглари билан бирга жуда эрта кириб келди. Бу бахшилар қишлоқдан қишлоққа ўтиб юрардилар. Соз жўрлигида муҳаббат ҳақида, қаҳрамонларнинг жасорати ҳақида куйлардилар.

— Менинг ижодим ўз илдизлари билан халқ эпоси анъаналарига бориб тақалади, — дейди ёзувчи. — Мен ўзимни ўтмиш ва бугунни боғлаб турадиган занжирнинг битта ҳалқаси деб биламан.

Агар ёзувчи жаҳоннинг бошқа халқлари адабиётини худди ўз жонажон адабиёти сингари яхши билмаса, Толстойни, Достоевскийни, Гоголни, Бальзакни, Стендаль ва Фолкнерни ўқимаган бўлса, у ҳеч қачон чинакам адабиётчи бўлолмайди. — деб таъкидлайди Яшар Камол.

У Уильям Фолкнернинг ижоди ҳақида ҳаяжон билан гапиради.

— Фолкнер ўзининг ҳар бир романида янги тасвир воситаларини изларди. Унинг асарларидаги асосий фазилат ҳам ана шу деб ўйлайман. Агар романда янгилик бўлмаса, уни яратиш шартмикин? — дейди Камол.

40-йилларнинг охирида ўзининг сиёсий қарашлари учун қамалиб чиққач, Яшар Камол Стамбулга кўчиб ўтди ва газетада очеркнавис бўлиб ишлади. Бу унинг сермаҳсул ёзувчилик фаолиятининг бошланиши эди. «Менинг лочиним Мамад» қиссаси эндиликда 28 та чет тилга таржима қилинган. 60-йилларда ёзувчи сўл сиёсий журналга асос солди ва маълум муддат Туркиянинг Ишчи партиясида фаол иш олиб борди.

—Мен ўз китобларимда ҳаётда рўй бераётган ўзгаришларни акс эттиришга интиламан, — дейди ёзувчи. Табиат ўзгарди. Феодализмдан капитализмга ўтиш эса инсон муносабатлари табиатини, одамларнинг психологиясини ўзгартириб юборди. Бизнинг кўз ўнгимизда жуда улкан ижтимоий силжишлар рўй бермоқда.

Яшар Камолнинг жонажон ўлка билан, халқ маданияти билан алоқаси ниҳоятда мустаҳкам. Аммо у жаҳонда бўлиб ўтаётган воқеаларни ҳам синчковлик билан кузатиб боради.

— Барча замондошлар бирга нафас олиб яшаши керак, бутун инсониятнинг коллектив тажрибасини бадиий шаклда акс эттириш лозим, — дейди суҳбатимиз сўнгида Яшар Камол.

«ЗА РУБЕЖОМ» ҳафталигидан.

Хариваншрай БАЧЧАН,
Ҳиндистон.

## Тошкентдан хабарлар

Лаъл Баҳодир Шастри хотирасига

Икки чақмоқ — хабар
Келди Тошкентдан —
Иккови ҳам ҳинд тупроғин ларзага солди.
Биринчиси—

Ҳиндистонга тинчлик келтирди,
Ва ўлиминг ҳақда эди иккинчи хабар.
Тошкент —
Шу кичкина ер бўлаги харитадаги, —

У кимларни ҳаяжонга солмайди бугун!
У авлодлар юрагида мангу оловдай
Уйғоқ тутар сенинг ёдинг —
Зафарларингни.

Оғам менинг!
Даврнинг чўнг тўфонларида
Сен руҳингни олмос янглиғ мудом
тобладинг.

Ғазаб ва шиддат,
Қайғу ва ёлғон,
Оғир жанглар аро
Ўз-ўзинг билан.

Ва, эҳтимол сезгандирсан юзингда.
Ўз-ўзинг билан.
Ва, эҳтимол сезгандирсан юзингда
Совуқ шарпасини
ажалнинг

Сўнгги бор нафасни ростлаб
Минглаб юртдошларингга
Беғубор осмонни тутган дам ўзинг.
Икки чақмоқ — хабар

Келди Тошкентдан —
Ва ер титраб кетди, ларзага тушди...
Нимаики қилсак
Ҳиндистон учун.

Кўнгилдан бўлса гар— соз ва бетакрор.
Кўнгилдан қилинган ҳар қандай ишнинг
Каттаю-кичиги бўлмагай асло.
Мусаввир ва шоир,

Темирчи ва имони устивор ҳарким,
Худди сендай яшар
Етмоқчун буюк аҳдига:
Ўз бурчини ўтаб
ўлмоқ бахтига.

Муҳаммад ЮСУФ
таржимаси.

Ц. ГАЙТАВ,
Монголия Халқ Республикаси.

## КЎТАРМА КРАНГА ҚАРАБ...

Қизил ғиштин бино ортида кран
Минордек қаддини кўтариб тикка,
Мўъжиза яратар, завқ тўкар бирам...
Шу-да иш! Вақтни совурмас кўкка.
Қармоғи пўлатдан кран— балиқчи,
Бетон плиталар унга бўлар «ов».
Бесаноқ ғиштларни вазмин қалққанча
Иларкан, тепага тортар бетўхтов.
Қуёш ёнар. Қизил меҳнат байрами,
Қурилар дунёга нотаниш шаҳар.
Баландда ҳилпирар умид байроғи,
Келажакка улкан қадам ташланар.
Етар энди кигиз уйларда яшаш!
Хира шамчироқлар кўнгилга тегди.
Ориқ отлар билан сувни таширдик
У ҳам бўлса сассиқ, айниган эди.
Шаффоф сувлар кирсин энди уйларга,
Хона жиҳозидан кўзлар қамашсин.
Бизда тумонат халқ... меҳрим уларга
Қуёшдан ёлқинли, ўтли, оташин.
Минордек қаддини кўтариб кўкка
Кранлар яратар ҳар куни бир олам.
Кўз очиб юмгунча ўзгариш юртда
Ўзгаргандай шоир кўзида олам...

ОТАЁР таржимаси.

Элизабет ЭЙБЕРС,
Жанубий Африка Республикаси.

## АЁЛ

Шошқин табиатда солиб галга-гал,
Ўтавер ёзу куз ва қиш такрор.
Аёл борки, яшнар абадий баҳор,
Севги-вафони у бахш этган азал.

Неча йил оламда кезмоқда ахир,
Вайронлик, хунрезлик, даҳшат ва алам.
Қўйинг, ғам чекмасин лоақал бу дам,
Аёлсиз севги йўқ, нонинг ҳам тахир.

Ҳаттоки ўлим ҳам аёл қошида
Ожиздир, дуч келса нурли чеҳраси
Урушни рад этиб, аёл элтажак
Ҳатто мангуликка ҳаёт неъматин,
Чунки вужудида яшар келажак.

Б. НОМОЗОВ таржимаси.

Рамиз ГАЙДАР,
Озарбайжон ССР.

## ДЕРАЗАМ ОЧИҚ

Мудом менинг деразам
очиқ,
Юрагимда тошиб
завқ-ҳавас,
Кўчамизнинг шовқинга
тўлиқ
Нафаси-ла оламан нафас.
Тонгда ўйнар қуёш
жилоси,
Тунларим ҳам ойдин,
нурафшон.
Кузатаман юлдуз имосин,
Гулдор рўмол ёзаркан
осмон.

Сайёралар, оловли юзлар,
Бўлинг, қани уйимга
меҳмон!
Уялманг, сиз бунча
юлдузлар,
Қўшиқ куйлаб, ўйнайлик
шодон.
Шу дераза гувоҳдир
ахир,
Севинчимга, ташвишимга
ҳам.
Икков бирга оттирдик
тонгни,
Булбуллар завқ берди
бир олам.

Ёмғир ёғса, учқунласа
қор
Ой кўринса, ё чақиб
чақмоқ,
Булутларни кесса
шиддаткор
Менга бари кўринар
шундоқ.
Бошим узра юлдузлар
ёнар,
Яшнаб турган чаманга
ўхшаш.
Қандай яхши, юртим
осмонин
Бир бўлаги ойнамга
туташ.

Рауф ТОЛИБ таржимаси.

Йўлдош СЕЙТНАЗАРОВ,
Қорақалпоғистон АССР.

## ШОНЛИ КУНЛАР

Кўз олдимдан кетмайди ҳамон
Ёддан ўчмас, у шонли кунлар.
Қўлга қурол тутиб навқирон —
Бўлгандик биз жангга сафарбар.
Сиёҳ тунлар...
Аччиқ изғирин...
Киприк қоқмай тонгга қадар гоҳ,
Дилга жойлаб матонат сирин,
Ёвга қарши юрдик чекмай оҳ.
Булут ўрлаб,
Босса ҳамки сел,
Учраса-да йўлларда ботқоқ;
Қор тўфонин сочиб найза-ел,
Кўз очолмай, ачишиб юзлар,

Юракларга тугиб чўнг зарда
Ёвга қарши интилдик бизлар.
Ким чидайди юртни босиб ёв,
Тинч ўлкани солса аламга!
Бисотини топтаб, этиб дов,
Борлиқни ях айлагани чоқ,
Изғиринли,
Қорли дамларда
Келажагин тўлдирса ғамга!
Кураш йўли бўлмади осон,
Лозим эди ўктамлик, мардлик,
Бу йўлда биз тўкдик талай қон,
Ўтли жангга кириб бордик тик.
Ҳар қадамда бўлдик ҳамжиҳат,

Енголмади бизни бўрон-қор.
Ташланганда олға бешафқат
Тўпларимиз бўлди мададкор.
Озод этдик элларни бир-бир,
Жанглар аро чиқиб биз ғолиб.
Бўлолмади жаҳолат тақдир,
Бордик эрклик байроғин олиб.
Қузғунлардан халос бўлган ер —
Яшилланди, барг ёзди гуллар;
Буғдойзорлар тағин тўлганди,
Жилоланди кумуш ранг кўллар.
Разил ҳадди шунчалар наҳот —
Қанча шаҳар бўлмиш нобуд-нест!..
Белградни айладик озод,
Озод бўлди кўҳна Бухарест.
Халос этдик хўрлик, ситамдан
Элатларни, хонадонларни.
Бахт нурига айладик ҳамдам
Эркка муҳтож жонажонларни.
Чўчитмади бизни ўт-олов,
Фашизмни айладик таслим.

Тенгсиз жанглар бўлолмади ғов,
Кўра олдик ғалаба васлин.
Хотирамда нур сочар ҳамон,
У кунларни эслайман бот-бот.
Жангга кирган эдик навқирон,
Ватан учун айлаб қасамёд!..

Қорақалпоқчадан Мирпўлат Мирзаев таржимаси.


Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

3 ОКТЯБРЬ, 1983 й.

